

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ
ПРЕМЬЕР-МИНИСТР РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**А.Ж.Раматовга,
Дж.А.Кучкаровга, С.Р.Холмурадовга, А.А.Абдухакимовга**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидовга), Молия вазирлиги (Хайдаровга),
Иқтисодиёт вазирлиги (Ходжаевга), Адлия вазирлиги (Давлетовга),
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар
ҳокимликлари, вазирлар ва идоралар раҳбарларига (рўйхат бўйича)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғи (02.11.2018 й., 19598-хх-сон) ижро учун қабул килинишини сўрайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзёев хузурида 2018 йил 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш масалаларига бағишлиб ўқказилган мажлис баёни ижроси сўзсиз таъминлансан.

Амалга оширилган ишлар юзасидан тегишли маълумотлар белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ҳисоб палатасига тақдим этиб борилсан.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидовга) - чақирик,
Молия вазирлиги (Хайдаровга), Иқтисодиёт вазирлиги (Ходжаевга),
Адлия вазирлиги (Давлетовга), тасарруфидаги олий таълим муассасалари бўлган
вазирлик ва идоралар раҳбарларига**

Ҳар бир олий таълим муассасасининг фаолиятини такомиллаштиришга доир “Йўл ҳариталари”ни тасдиқлаш юзасидан Ҳукумат карорлари лойихаларини ишлаб чиқиш учун Республика ишчи гурӯҳи, олий таълим муассасаларининг хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда тармоқ ишчи гурӯҳлари таркиблари шакллантирилсин, масъуллар ва муддатлар белгиланиш графиклар ишлаб чиқилсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

Муддат-2018 йил 10 ноябрь

К.С. Ризаевга, А.А. Джурбаевга, М.Б. Жуманиязовга, С.М. Абдуллаевга, Ш.А. Абидовга,
Р.А. Гулямовга, Б.Б. Сидиковга, З.З. Сайдовга, И.Р. Махкамовга, Д.И. Каландаровга

2018 йил “3” ноябрь
14/1-4038-сон



А.Арипов

05.11.2018



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АДМИНИСТРАЦИЯСИ РАҲБАРИ

РУКОВОДИТЕЛЬ АДМИНИСТРАЦИИ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари А.А.Абдуваҳитов, Р.С.Ҳакимовга

**Вазирлар Махкамаси - ЖА.Кучкоров, С.Р.Холмуродов,
А.А.Абдухакимовга**

Хисоб палатаси раиси М.М.Икрамовга

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Маджидовга)

Қарақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши Раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига

Вазирлик ва идоралар раҳбарлариға (*рўйхат бўйича*)

Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилди.

Баёнда белгиланган топшириклар ижросини, шу жумладан ҳар бир олий таълим муассасалари буйича ривожланиш истиқболларини белгилаш, замонавий аҳборот-коммуникация технологиялари ва инновацион фаолиятни жорий этишга қаратилган “Йул ҳарита”ларини ўз муддатида ишлаб чиқиш ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўрилсин.

А.Даминовга – назорат

Махкама
Бўлгим

3. Низомиддинов

2018 йил «02» ноябрь
№ 19598-хх

**Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М.Мирзиёев ҳузурида
2018 йил 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш
масалаларига бағишлиб ўтказилган мажлис**

БАЁНИ

Раислик қилувчи: Ш.М.Мирзиёев - Узбекистон Республикаси
Президенти

Қатнашганлар: Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Узбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари,
Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари,
Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг
ўринбосари, Ўзбекистон Республикасининг Россия
Федерациясидаги Фавкулодда ва муҳтор элчиси,
вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олий таълим
муассасалариннинг ректорлари (*рўйхат бўйича*)

**Олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, юкори малакали
кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фап ва ишлаб чиқариш
соҳаси уртасидаги интеграцияни кенгандириш бўйича ишлар
натижадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари туғрисида**

(Мирзиёев, Арипов, Низомиддинов, Абдуваҳитов, Қосимов, Абдуҳакимов, Мажидов,
Содиков, Кудбиев, Асадов, Мирзиёев)

Қайд этилсинки, сўнгги икки йил мобайнида республикамизда олий таълим
тизимини ривожлантириш ва таълим сифатини янада ошириш буйича бир катор
дастурий чора-тадбирлар қабул қилиниб, изчил амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, янги 13 та олий таълим муассасаси ташкил этилиб, умумий
қабул квоталари утган йилгига нисбатан 30 фоизга оширилди, шунингдек
талабаликка қабул килишнинг шаффоф ва очик тизими яратилди. Халқаро
тажрибалар асосида илқ бор олий таълим муассасаларининг миллий рейтинги
эълон қилинди.

Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш,
таълим жараёнига замонавий аҳборот технологиялари ва инновацияларни кенг
жорий этиш, илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш соҳасини интеграция қилиш
буйича ишлар натижадорлиги хали етарли эмас.

Шунингдек, республикамиз олий таълим муассасаларининг халқаро
майдондаги нуфузини талаб даражасига олиб чиқиш қийин кечмокда.

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган ҳисботлар, билдирилган
таклиф ва фикр-мулоҳазаларни мухокама этиб, мажлис карор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири уринбосари А.Абдуҳакимов, Олий
ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Ихтисодиёт вазирлиги (Хужаев) ва
Молия вазирлиги (Қўчқоров) билан биргаликда олий ва ўрта маҳсус таълим
тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича 2019-2021 йилларга мулжалланган
концепция лойихасини **икки ой муддатда** ишлаб чиқсин ва белгиланган
тартибда аҳборот берсин.

2. Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов Олий ва ўрта маҳсус таълим

вазирлиги (Мажидов), Иктисодиёт вазирлиги (Хужаев), Молия вазирлиги (Кўчкоров), Адлия вазирлиги (Давлетов), олий таълим муассасалари ректорлари билан биргаликда ҳар бир олий таълим муассасасининг фаолиятини такомиллаштиришга доир “**йул ҳариталарини**” тасдиқлаш юзасидан Хуқумат қарорлари лойихаларини ишлаб чиқиш учун бир ҳафта муддатда Республика ишчи ғурухи таркибини, қарор лойихаларини ишлаб чиқиш буйича масъуллар ва муддатларни белгилаган ҳолда тасдиқласин.

Бунда, республикада фаолият юритаётган ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича ишлаб чиқилаётган “**йул ҳарита**”сида ушбу муассасанинг фаолият соҳаси, худудий жойлашув хусусияти ва иш берувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўкув дастурларини тубдан такомиллаштириш, ўкув жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, педагоглар малакасини ошириш, илмий-инновацион ишланмаларни яратиш ва амалиётга жорий этишни фаоллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини йулга кўйиш ва кучайтириш каби чора-тадбирлар назарда тутилсин.

3. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирликлар ва идоралар, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Содиков):

бир ой муддатда олий таълим муассасалари ўкув жараёнига замонавий ахборот технологияларини ва масофавий ўкув курсларини амалиётга кенг жорий этиш бўйича “**йул ҳаритаси**”ни тасдиқласин;

икки ой муддатда олий таълим муассасаларидаги ўкув аудиторияларини видеокузатув камералари билан жихозлаш, олий таълим муассасаларини юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан таъминлаш, олий таълим муассасалари фаолияти бошқарувига ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича аниқ манзилли дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Бунда, Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур дастурий амалга оширишнинг молиявий манбалари аниқ белгилансин;

4. Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Ташки ишлар вазирлиги (Камилов):

республика олий таълим муассасалари ҳамда Япония, Хитой, Корея, Туркия, Россия, Европа Иттифоқи давлатларининг олий таълим муассасалари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, архитектура-қўрилиш, тибиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари ҳамда техника йўналишларида филиаллар ва факультетларни ташкил этиш, қўшма дастурларни амалга ошириш (олий таълим муассасаси ихтисослиги, филиални жойлаштириш учун бино ва иншоотларни белгилаган ҳолда), шунингдек истиқболда олий таълим тизимини ривожлантиришга бағишлиланган соҳавий олий таълим муассасалараро форумларни ўтказиш юзасидан тегишли вазирликлар ва идоралар, хорижий ҳамқорлар билан биргаликда музокаралар утказсин ва натижалари бўйича мунтазам равишда (ҳар чорақда камида бир марта) асосланган таклифлар киритиб борсин;

республика олий таълим тизимини Марказий Осиёдаги “таълим хаби”га айлантириш максадида уч ой муддатда олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва хорижий талабалар сонини оширишга йўналтирилган “Олий таълим муассасаларининг жозибадорлигини ошириш концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда ахборот берсин;

Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси (Бекенов) билан биргалиқда Сурхондарё вилоятидаги “Афғанистан фукароларини уқитиш таълим маркази” фаолияти самарадорлигини янада ошириш максадида потенциал самадорлар (донорлар) билан музокаралар олиб борсин ва уч ой муддатда асосланган таклифлар ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда аҳборот берсин.

5. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), олий таълим муассасалари ректорлари:

бир он муддатда Россия Федерацияси олий таълим муассасалари билан эришилган келишувлар асосида ўларнинг профессор-ўқитувчиларининг талабалар учун “онлайн” тизимда маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш режасини ишлаб чиқсин ва ижросини таъминласин;

Россия Федерациясининг олий таълим муассасалари билан тузилган ҳамкорлик шартномаларини ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), “Эл-юрт умиди” жамғармаси (Бекмурадов), олий таълим муассасалари ректорлари икки ой муддатда:

Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳар йили республика олий таълим муассасаларининг салоҳияти ва илмий-педагогик кадрлари сонига мувоғик ёшларни докторантурга, аспирантура ва магистратурда ўқитиш ёки ҳимояларни ўтказиш бўйича аниқ манзилли дастурни ишлаб чиқсин, ижросии таъминласин ва назоратга олсин;

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кўрсларининг ўкув жараёнларига хорижий мутахассислар, олимлар ва ўқитувчиларни тизимли равишда жалб этиш режасини ишлаб чиқсин ва ижросини таъминласин;

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кўрсларида дарс берётган профессор-ўқитувчиларнинг ривожланган хорижий давлатлар етакчи олий таълим ва илмий муассасаларида малакасини ошириш режа-графикларини ишлаб чиқсин ва ўларнинг ижросини таъминласин.

7. Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкенбаев), Давлат тест маркази (Каримов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов) бир ой муддатда республиканинг олий таълим ва малақа ошириш тизимларида масофавий ўқитиш услублари ва технологияларини кенг жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

8. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкенбаев):

хорижда тахсил олаётган ёшларнинг ватанига қайтиб қелишига шартшароитлар яратиш максадида хорижий олий таълим муассасалари дипломларини тан олиш ва ностирификациялаш тартибини тақомиллаштириш бўйича таклифларни икки **ҳафта муддатда** Вазирлар Махқамасига қиритсин;

2018 йил 1 декабрга кадар жаҳондаги етакчи рейтинг агентликлари методологияси асосида амалдаги олий таълим муассасалари рейтингини аниклаш методикасини тақомиллаштириш бўйича чоралар кўрсин;

2018 йил 1 майга кадар олий таълим муассасаларининг рейтингини

тақомиллаштирилган методика асосида баҳоласин ва ўларнинг янгиланган миллий рейтингини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳқамасига қиритсин.

9. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов) тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, олий таълим муассасалари ректорлари билан биргаликда **2018 йил 1 декабрга қадар** Республика олий таълим муассасаларининг фаолиятини ёритишга қаратилган замонавий қўринишдаги, сифатли ишланган веб-сайтларни ва тарқатма материалларни (буклетлар, видеороликлар, қисқа мазмундаги проспектлар) шакллантириш (ўзбек, рус, инглиз тилларида, шунингдек, ҳамкор хорижий олий таълим муассасаларининг давлат тилида) чораларини кўрсинг ҳамда хорижий фукароларни Республика таълим Муассасаларига (жумладан, бакалавриат, магистратура, докторантурага) жалб этиш юзасидан, зарур ҳолларда, хорижга хизмат сафарига чиқсан ҳолда тарғибот ишларини олиб борсин.

Бунда, олий таълим муассасаларининг янгиланган веб-сайтлари ҳолати бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан мунтазам мониторингини ўрнатсин.

10. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Халқ таълими вазирлиги (Шерматов) олий таълим муассасаларига билимли ва илмий фаолиятга қизиқиши юқори бўлган ёшларни тайёрлаш мақсадада салоҳияти юқори бўлган олий таълим муассасалари хузурида айрим фанларга иҳтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактабларини ташкил этиш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳқамасига таклиф қиритсин.

11. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкеноаев), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** олий таълим муассасаларини аттестация дан утказиш ва аккредитациялаш жараёини тақомиллаштиришга қаратилган Ҳукумат қарори лойихасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳқамасига қиритсин.

Бунда битиравчиларнинг билими, иш берувчиларнинг талаблари ва муассасанинг халкаро таълим тизимига интеграциялашуви ҳолати каби баҳолаш кўрсаткичлари назарда тутилсин ҳамда таълим сифатини таҳлил қилиш ва назорат қилиш, бу борадаги масалалар ечими бўйича қарор қабул қилиш олий таълим муассасалари томонидаи амалга оширилиши юзасидан аниқ чоралар белгилансин.

12. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов) вазирликнинг янги вазифаларига мослаштирилган ташкилий тузилмасини ва ҳар бир раҳбар масъулияти белгилангандиги Низомини тасдиқлаш бўйича тегишли қарор лойихасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳқамасига белгилangan тартибда қиритсин.

13. Олий ва храта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Молия вазирлиги (Кўчкоров) билан биргаликда Олий ва храта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ходимларининг ойлик маошлари миқдорларини кайта кўриб чиқсин.

Бунда:

ойлик маошларини олий таълим муассасалари раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларидан кам булмаган миқдорларда белгилаш;

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати ходимларига таълим тизимида хизмат қилган йиллари ва илмий даражалари учун давлат

бюджети ҳисобидан алоҳида фоизли устамалар белгилаш;

ходимларнинг ойлик маошларига кўшимча ва устамалар белгилаш ва рағбатлантириш учун манбалардан бири сифатида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантариш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш назарда тутилсин.

14. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Молия вазирлиги (Кўчкоров), олий таълим муассасаларининг бакалавриати ва магистратурасида тулов-контракт асосида таълим олаётган талабаларнинг шартномада курсатилган маблағларни тўлаш муддатини олий таълим муассасалари рекорлари (Филиаллар директорлари) томонидаи белгиланишини назарда тутувчи таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳқамасига қиритсин.

15. Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Молия вазирлиги (Кўчкоров) **икки ой муддатда** олий таълим муассасалари рекорлари (филиаллар директорлари)га бўйсунувига кўра вазирликлар ёки идоралар билан келишган ҳолда. олий таълим муассасаси ташқилий тузилмасига штатлар нормативига мувофиқ тегишли ўзгартириш ва кўушимча киритиш хуқуқиши бериш бўйича таклиф қиритсин.

16. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Молия вазирлиги (Кўчкоров) билан биргаликда республика олий таълим муассасалари билан узаро келишув ва кўшма таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлашниа йўлга кўйган хорижий олий таълим муассасаларига солиқ имтиёзлари бериши юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳқамасига таклиф қиритсин.

17. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Халқ таълими вазирлиги (Шерматов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Кудбиев), Адлия вазирлиги (Давлетов), Молия вазирлиги (Кўчкоров) билан биргаликда **икки ой муддатда** таълим муассасаларида ўкув машгулотларини ўtkazganlik учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш микдорларини олий ва ўрта маҳсус, умумий ўрта таълим муассасалари педагоглари базавий лавозим маошларига мос равишда белгиланиши юзасидан таклифлар қиритсин.'

18. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдураҳмонов), Фанлар академияси (Юлдашев) илмий-тадқикот ишларини амалга ошириш кобилиятига эга, хорижий илмий журналларда илмий макола чоп этган магистратура битирувчиларни кейинчалик олий таълим муассасаларида камида 5 йил педагогик фаолият олиб бориш шарти билан таянч докторантурага имтиёзли қабул қилиш бўйича **бир ой муддатда** Вазирлар Маҳқамасига таклиф қиритсин.

19. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига Ўзбекистон ва хорижий олий таълим муассасаларининг кўшма таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлашга дойр узаро келишувларини асос сифатида қабул қилган ҳолда, зарур ҳолларда кўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган олий таълим муассасаларида кўшма факультетлар ташқил этишга ва олий таълим муассасасининг ташкилий тузилмасига киригишга рухсат берилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Ўзбекистон ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўзаро келишуви ва кўшма таълим дастурлари, жумладан кўшма факультет доирасида талабаларни қабул қилиш тартиби, тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати ҳамда махаллий ва хорижий профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш микдорлари ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари билан келишув асосида, қабул квоталари ҳамда таълим йуналишлари ва мутахассисликлар ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари,

буйсунуви бўйича вазирликлар ёки идоралар ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишув асосида олий таълим муассасаси томонидаи мустақил белгиланади.

20. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажадов) **икки ой муддатда**:

Иқтисодиёт вазирлиги (Ходжаев), Молия вазирлиги (Кўчкоров), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Кудбиев) билан биргаликда олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг давлат буюртмасини шақллантиришнинг такомиллашган тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳқамасига қиритсин;

Иқтисодиёт вазирлиги (Ходжаев), Давлат тест маркази (Каримов), Молия вазирлиги (Кўчкоров), тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда олий таълим муассасаларига талабалар қабулининг соддалашган тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш орқали, қабул жараёнини давлат буюртмаси ва табакалашган тулов-контракт тизимиға ўtkазиш ҳамда қабул курсаткичларини олий таълим муассасалари таклифлари ва меҳнат бозори талаблари асосида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгилаш бўйича Вазирлар Маҳқамасига асосланган таклифларни қиритсин.

21. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Адлия вазирлиги (Давлетов) билан биргаликда “Олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги Ҳуқумат қарори лойихасини Вазирлар Маҳқамасига қиритшни тезлаштириш чораларини кўрсин.

22. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Халқ таълими вазирлиги (Шерматов) билан биргаликда республика вилоятлари ўқувчи-ёшлигининг интеллектуал салоҳиятларини намоён этишларига кушимча шароитлар яратиш ва уларни қўллаб-кувватлаш максадида вилоятлардаги давлат универстетлари томонидан вилоят умумтаълим мактабларининг битирувчи синфлари ўқувчилари учун ҳар йили математика, физика, кимё ва биология фанларидан ҳар бир туманда алоҳида-алоҳида Университет олимпиадаси ўтказиб борилишини йўлга қўйиш, бунда туманлар микёсида ўтказиладиган. Университет олимпиадасида 1, 2, 3-уринни эгаллаган ўқувчиларни олий таълим муассасалариға жалб этиш механизmlарини ишлаб чиқсин ва бир ой муддатда Вазирлар Маҳқамасига таклиф қиритсин.

23. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов) халқаро куфузи юқори илмий журналларда мақола чоп этган муаллифларга олий таълим муассасаларининг Инновация фонди хисобидан бир йил давомида ойлик маошига 25 фоизгача устама ҳақ тўлаш тартибини жорий этиш буйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳқамасига таклифлар қиритсин.

24. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Тангриев) республика олий таълим тизимидан илмий журналларни ҳалқаро микёсда эътироф этилишини таъминлаш бўйича Харақатлар дастурини **икки ой муддатда** ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳқамасига тасдиқлаш учун қиритсин.

25. Олий таълим муассасалари ректорлари:

республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ёшлар тарбиясини самарали ташкил этиш;

ҳар бир ректор ўзининг олий таълим муассасасида даре бериш, талабалар билан тизимли учрашувлар ўтказиб бориш, докторант ва мустақил

тадқиқотчиларнинг илмий ишларни олиб боришларига тегишли шароитларни яратиш;

талабаларни илмий фаолиятта йуналиштириш, уларда инновацион фикрлашни шақллантириш, ўкув жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлаш, илмий салоҳиятни ошириш учун шахсан масъул эканлиқлари белгилаб кўйилсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), фанлар академияси (Юлдашев), Молия вазирлиги (Кўчкоров) ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш учун кўшимча шароитлар яратиш, республикада илмий салоҳиятни ошириш мақсадида таянч докторантурага қабул қвоталарини магистратура қабул қвоталарининг миқдори билан мувофиқлаштириш, таянч докторантларга илмий раҳбарлик қилиш сони чегарасини қўриб чиқкиш, таянч докторантурага қабул қвоталарини вазирлик ва идоралар томонидан шақллантириш ва тақсимлаш тартабини жорий этиш буйича **бир ой муддатда** Вазирлар Маҳқамасига таклиф киритсин.

27. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Молия вазирлиги (Кўчкоров), Инвестициялар бўйича давлат кўумитаси (Бекенов) билан биргалиқда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда, танланган олий таълим муассасаларини истиқболда боскичма-боскич ўзини ўзи молиялаштириш тизимиға утиш юзасидан **уч ой муддатга** асосланган таклифлар чшлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳқамасига киритсин.

28. Олий на ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Молия вазирлиги (Кўчкоров) олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, жумладан оширилган конграктдан тушган маблағлар доирасида бевосита олий таълим муассасалари ва улар хузуридаги илмий-тадқиқот муассасалари томонидан олиб қириладиган замонавий аҳборот технологиялари воситалари, ўкув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материалларнш (бутловчи материаллар, реактивлар, кимёвий идиш, биологик материаллар ва объектлар) Вазирлар Маҳқамаси томонидан тасдикданадиган рўйхат бўйича божхона туловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод этиш юзасидаи **уч ой муддатда** Вазирлар Маҳқамасига таклиф киритиши.

29. Касб-хунар таълими тизимини янада тақомиллаштиришни мувофиқлаштириш Республика комиссияси (Абдухакимов) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов) билан биргалиқда республика олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш истиқболда ёшларни олий таълим билан қамраб олишни сезиларли даражада ошириш, олий таълим муассасаларининг филиалларини республика худудларида ташкил этиш мақсадида уларга фаолияти тугатилаётган касб-хунар колледжларининг бино-иншоотларини оператив бошқарув ҳуқуки асосида бепул бериш юзасидан **икки ой муддатда** таклифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳқамасига киритсин.

30. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов) тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда олий таълимга сифатли ва замонавий билимларга эга булган ёшларни саралаш (селекция қилиш) тизимини янада тақомиллаштириш мақсадида олий таълим муассасалари хузуридаги академик лицейларга республика худудларидан иқтидорли ўқувчиларни қабул қилиш тизимини жорий этиш юзасидан хорижий тажрибаларни ўрганганд ҳолда, асосланган таклифлар ишлаб чиқсин ва **уч ой муддатда** Вазирлар Маҳқамасига киритсин.

31. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Мактабгача таълим вазирлиги (Шин) мактабгача таълим соҳасида илмий салоҳиятни шакллантириш мақсадида мактабгача таълим йуналиши буйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган, таянч маълумоти педагог бўлган битиравчиларга, истисно тариқасида, мактабгача таълим мутахассислиги магистратурасига ўкишга киришга руҳсат бериш бўйича **бир ой муддатда** Вазирлар Маҳқамасига таклиф қиритсин.

32. Касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштиришни мувофиқдаштириш Республика комиссияси (Абдухакимов), Иктисидиёт вазирлиги (Ходжаев), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов, Холмуҳамедов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Кудбиев) билан биргалиқда касб-хунар таълими тизимининг моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш мақсадида **бир он муддатда** иктисидиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларни, меҳнат бозоридаги ўрта бўғин мутахассис кадрларига булган эҳтиёжни хисобга олган ҳолда, тегишли малака даражаларини белгиловчи янги табакалаштирилган таълим муассасалари тармогини ташқил этиш бўйича Вазирлар Маҳқамасига таклиф қиритсин.

Бу борада, янги табакалаштирилган таълим муассасалари тармогини ташқил этишда ривожланган мамлакатларнинг ҳалқаро стандартларини инобатга олган ҳолда асосланган таклифлар ишлаб чиқилсин.

33. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов, Холмуҳамедов) тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари. касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида таълим тизимида сифат кўрсаткичларини оширишга ҳизмат қўрсатувчи, методик ва ахборот таъминот билан шуғулланувчи тузилмаларида фаолият кўрсатаётган бошқарма (бўлим) бошлиқлари, методистлар ,ва бошқа ходимларни мувофиқ равишда олий таълим муассасаларининг доцентлари, хатта ўқитувчилари ва ассистентлари макомига тенглаштириш бўйича **бир ой муддатда** Вазирлар Маҳқамасига таклиф қиритсин.

34. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Кудбиев) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргалиқда касб-хунар таълими янги тизимининг давлат таълим стандарти, ўқитиши муддатлари бўйича касблар ва мутахассисликлар руйхати ва касб-хунар таълимининг йуналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификаторини ишлаб чиқсин ва **2019 йил 1 марта** кадар Вазирлар Маҳқамасига қиритсин.

35. Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов, Холмуҳамедов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев), Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимлари билан биргалиқда республика худудида фаолияти тугатилаётган касб-хунар коллежлари рўйхатини аниқласин ва истиқболда нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг филиалларини ташкил этиш учун ушбу касб-хунар коллежларининг бино ва иншоотларини давлат- хусусий шериклик асосида бериш мақсадида йирик сармоядорлар ва ишбилармонлар билан учрашувлар ўтказсин қамда **уч ой муддатда** Вазирлар Маҳқамасига асосланган таклифлар қиритсин.

36. Бош вазир уринбосари А.Абдухакимов, Фанлар академияси (Юлдашев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдураҳмонов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Мажидов):

халқаро илмий-техник маълумотлар базаларида республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини тегишли профилларини очиш ҳамда уларнинг ахборот ресурсларини тўлақонли шакллантириш юзасидан амалий ишларни йўлга қўйсин;


Молия вазирлиги (Қўчкоров), Инвестициялар бўйича давлат кумитаси (Бекенов) билан биргаликда республика олий таълим муассасалари ҳалқаро рейтинг агентликлари томонидаи тан олишишини таъминлаш мақсадида “Олий таълим муассасаларини халқаро рейтингларга қиритиш чора-тадбирлари туғрисида”ги дастурни **2019 йил 1 апрелга кадар** ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Махқамасига қиритсин.

Бунда, дастурни амалга ошириш билан боғлик харажатларни коплаш махсадида Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги хузурида давлат бюджетидан молиялаштириладиган маҳсус жамгарма ташкил этнилиши назарда тутилсин.

37. Ушбу Баён бандлари ижроси учун масъул вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат хокимияти органлари раҳбарлари амалга оширилган ишлар юзасидан мунтазам равишда Вазирлар Махқамасига ва Ҳисоб палатасига батафсил хисбот бериб борсин.


38. Ушбу мажлис баёнининг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдуваҳитов ва Ҳисоб палатаси раиси М.Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

 А.Арипов

2018 йил «25» отктябрь

Ўзбекистон Республикасининг
Президентининг маслаҳатчиси

 Р.Қасимов

2018 йил «25» отктябрь

Ўзбекистон Республикасининг
Президентининг маслаҳатчиси

 А.Абдуваҳитов

2018 йил «25» отктябрь

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазирининг ўринбосари

 А.Абдуҳакимов

2018 йил «25» отктябрь